

Бақара сураси, 132-оят

12:35 / 29.11.2017 4191

Иброҳим ўз ўғилларига ва Яъқуб ҳам: «Эй ўғилларим, албатта, Аллоҳ сизларга динни танлади, бас, мусулмон бўлган ҳолингиздагина ўлинг», - деб, шу(миллат)ни васият қилдилар. Бақара 132.

Иброҳим алайҳиссалом ва у кишининг набиралари Яъқуб алайҳиссалом ҳам ўз фарзандларига васият қилиб:

«Эй ўғилларим, албатта, Аллоҳ сизларга динни танлади...» - дедилар. Демак, бу дин – Аллоҳ ихтиёр қилган дин. Бошқа нарсага юз тутишга ўрин йўқ.

«...мусулмон бўлган ҳолингиздагина ўлинг».

Мусулмон бўлиб яшаб, мусулмон бўлиб ўлишга ҳаракат қилишдан бошқа йўл йўқ.

Иброҳим алайҳиссаломнинг меросхўримиз, деяётган араб мушриклари ва Яъқуб алайҳиссаломнинг фарзандлари – Бану Исроил нима учун бошқа йўлда юрибдилар?!